



20 20y « 1 » ИЮЛЬ

№ Қ-298

« » 20 г

Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви худудидан “Наврўз Техтамин Сервис” хусусий корхонасига автомобилларга хизмат кўрсатувчи барча шароитга эга бўлган замонавий “Кемпинг” мажмуаси куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/245-сон йиғилиш баёни, Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 20 апрелдаги 01-05/346-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/245-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви худудидан “Наврўз Техтамин Сервис” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1511қ-дала контуридаги 1,20 гектар яйлов ер майдони автомобилларга хизмат кўрсатувчи барча шароитга эга бўлган замонавий “Кемпинг” мажмуаси куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Наврўз Техтамин Сервис” хусусий корхонаси томонидан автомобилларга хизмат кўрсатувчи барча шароитга эга бўлган замонавий “Кемпинг” мажмуаси куриш учун ажратилаётган 1,20 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 16 027 272 (ўн олти миллион йигирма етти минг икки юз етмиш икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод туман ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

